

ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН
90 летию
профессора, д. м. н.
Д.Д. ДЖАЛАЛОВА



2023

TOSHKENT



Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации

Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013 года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе редакционно-издательского отдела ТМА. 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА, 2023

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

Ответственный за выпуск

доцент Б.А. Ешмуратов

доцент И.И. Бахриев

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

Члены редакционного совета

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Израилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабилов У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД БИОЛОГИК ТЕКШИРУВЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ СУД ТИББИЁТИ ВА ТИББИЁТ ҲУҚУҚИ КАФЕДРАСИ ОЛИМЛАРИНИНГ РОЛИ

Бекназаров Ш.Й., Ешмуротов Б.А., Бекназаров Ш.Ж.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация: Мақолада Тошкент тиббиёт академияси суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедрасининг катор йилларда кафедра мудири профессор Ж.Ж.Жалолов раҳбарлигида ашёвий далиллар бўйича илмий ишлар олиб борганлар. Қилинган илмий ишлар бўйича мақолалар, методик қўлланмалар, монографиялар чоп этилган. Ушбу илмий тавсиялар илмий амалий суд тиббий экспертизаси бош бюроси ва унинг филиалларида қўлланилмоқда. Унинг шогирдлари шу соҳада илмий ишларни давом эттирмоқдалар.

Калит сўзлар: Тошкент тиббиёт академияси, суд тиббиёти ва тиббиёт ҳуқуқи кафедраси.

Инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва қадриятларини муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг асосий қонунида кўзда тутилган, қонунчилигимизда қайд этилган бир қатор ҳолатларни конституцион кафолат даражасига кўтариш шу замин фуқароси бурчи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида жиноий ишларни ўрганиш жараёнида, талабалар, клиник ординаторлар, магистрларни суд тиббий экспертиза соҳасида мутахассис сифатида тайёрлашда билим бериш билан биргаликда, инсон танасига тан жароҳати етказиш, номушга тажовуз қилиш ёки инсон ҳаётига суиқасд қилиш каби жиноятларда авваламбор суд тиббиёти хулосаси талаб қилинадиган ўта зарур жараён ҳисобланади. Ушбу барча воқеа ҳолатлари замирида биологик далилий ашёларнинг суд тиббиётига оид текширилиши шахсни идентификациялашда муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин бу тадқиқотлар натижалари жиноятчининг шахсини аниқлаш ва уни фош қилишда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу боис суд тиббиёти фани тарихий ривожланишининг ҳамма босқичларида синфий мазмунига эга бўлиб, давлат-ҳуқуқ тизими тарихий ривожини билан яқиндан боғлиқдир. Суд тиббиёти фанининг таърифи ҳам шундан келиб чиқади. Замонавий суд тиббиёти адолат тантанасини кўзлаб жиноятларни фош этишда хизмат қилиб келмоқда. Суд тиббиёти фани тиббиёт йўналишларидан бири бўлиб, умумий тиббиёт соҳалари билан чамбарчас боғлиқдир. У умумий тиббиёт соҳалари, ютуқлари ва усулларидан кенг фойдаланиб, улар билан ҳамкорликда тиббиёт соҳаларини бойитади. Чунки у ўз амалиётида ўзига тегишли усуллар мажмуини ишлаб чиқиб, улар натижасида тўпланган маълумотлардан тиббиётнинг бошқа соҳалари унумли фойдаланиши мумкин.

Суд тиббиёти қўллайдиган турли хил усулларнинг аксарияти ушбу фан мақсади ва вазифасига эга бўлган усуллар бўлиб, қолганлари умумий тиббий ёки нотиббий фанларининг махсус усуллари-

дан иборат. Бинобарин суд тиббиёт фани илмий-назарий ва амалий жиҳатдан эришган ўз ютуқларини тиббиёт ва нотиббиёт фанларини бойитиши билан бир қаторда ўша фанлар ютуқларидан кенг фойдаланади. Мазкур фан, яъни суд тиббиёти айнақса тиббиёт фанлари бўлмиш-патологик анатомия, патологик физиология, клиник токсикология, травматология, акушер-гинекология, педиатрия ва нотиббиёт, яъни тиббиётга оид бўлмаган фанлар-криминалистика, физика, химия, математика фанлари билан узвий боғлиқҳамдир. Юридик фанлардан криминалистика фани суд тиббиётига ниҳоят яқиндир. Бу фан жиноятчиликни содир этиш тактикаси, келиб чиқиш технологияси ва усулларини ўзлаштириши билан шуғулланади.

Илмий-текшириш ишлари яқунлари натижасида суд тиббиёти фани бойиб бориб, мустақил бўлимларга бўлинади, булар, суд тиббиёти травматологияси, токсикологияси, акушерлик-гинекологияси, гематологияси, сперматологияси, судтиб иммунологияси, биокимёси, цитологияси ва бошқа хил тармоқлари вужудга келади.

Суд тиббиёти фани қонунлар мажмуасига сўзсиз таянган ҳолда, фуқаролар даҳлсизлигига зид бўлмаган тегишли маълумотларни ишлаб чиқади. Жисмоний шахс даҳлсизлигига тажовуз оқибатида организмга биологик жиҳатдан путур етказувчи турли хил оқибатлар келиб чиқади. Бу оқибатлар ҳуқуқ ва суд тиббиёти соҳаларида «жароҳатланиш» ҳозирги пайтда эса «соғлиқга зиён етказиш» деб номланиб, алоҳида гуруҳга киритилади. Жароҳатланиш туфайли суд тиббиёти вазифалари келиб чиқади.


Тиббиёт фанлари доктори, профессор **Жалолов Жалил Жалолович** 1976-2003 йилларда кафедрага раҳбарлик қилган. Шу йиллар давомида ашёвий далиллар идентификациялаш йўналишида бир канча илмий ишлар олиб борди ва раҳбарлик қилди ва амалиётда қўллади.



Профессор Жалолов Ж.Ж. ўз шогирдлари билан илмий муҳокамада

“Сперма ва унинг доғларини суд тиббиётига оид текширишнинг янги имкониятлари” мавзусидаги номзодлик ва 1982 йилда “Гемоглобин, холин, спермин и нордон фосфатазани хроматография усулида суд тиббиёти мақсадида текшириш” мавзусидаги докторлик диссертацияларини ёқлаган. Профессор Ж.Ж.Жалолов 300 ортиқ илмий ишлар, 1 дарслик, 4 монография, 50 яқин ихтиро ва рационализаторлик гувоҳномалари, 20 ортиқ услубий-амалий қўлланмалар муаллифи. Унинг раҳбарлигида 1 та докторлик ва 10 номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Бу даврда кафедранинг


базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилиб, 1993 йилда собик 2-ТошМИ клиникалари ҳудудида кафедранинг базаси бўлиб хизмат қилувчи Бош бюро, кейинчалик Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюросининг филиали ташкил қилинган. Мазкур даврнинг турли йилларида кафедрада Б.С.Абдуллаев, Б.А.Ешмуратов, А.Ш.Айдарқулов, И.И.Баҳриев, катта ўқитувчилар – ассистентлар – Э.Х.Жуманиёзов, Ф.Н.Лочинов, М.А.Хасанова ишлаган. Кафедрада асосан биологик ашёвий далилларни текшириш мавзуларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилган.



Доғда сперматозоид мавжудлигини аниқлаш.

Кафедра изланувчиси, тиббиёт фанлари номзоди Абдуллаев Бахтиер Саидович - 1984 йилда “Использование метода хроматографии для одновременного определения наличия и группа крови в следах” бўйича кандидатлик диссертациясини ёқлади ва шу иш бўйича 50 дан ортиқ мақола берди.


Бу суд тиббий экспертизада хроматографик усул билан қон мавжудлиги ва гуруҳини аниқлашнинг янги имкониятларини яратди. Ўзбекистон илмий амалий суд тиббий экспертиза бош бюросида унинг филиалларида суд тиббий биология бўлимларида қулланилмоқда.



Доғда қон мавжудлигини хроматография (Ж.Ж.Жалолов) усулида аниқлаш.

Кафедра изланувчиси, тиббиёт фанлари номзоди Кучкинов Абдурахмон - 1987 йилда “Гемоглизига учраган ва чириган одам қонида гуруҳини аниқлашнинг янги усули” бўйича кандидатлик диссертациясини йўқлади ва шу иш бўйича 10 дан ортиқ мақола берди. Бу суд тиббий экспертизада чириган мурдаларда олинган қоннинг гуруҳини аниқлашнинг замонавий имкониятини яратди ва Ўзбекистон илмий амалий суд тиббий экспертиза бош бюросида унинг филиалларида суд тиббий биология бўлимларида қўлланилмоқда.

Тиббиёт фанлари номзоди, доцент **Жуманиёзов Эркин Худайберганович** – 2003 йилда “Одам сўлагидаги агглютининларни суд тиббиётига оид текширилишининг янги имкониятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бу иш бўйича агглютининларни сулакда аниқлаш бўйича рационализаторлик таклифини амалиётга тадбиқ этди. Бу илимий иш бўйича 20 га яқин илмий мақола ва методик қўлланмалар яратди.



Сўлак ва сўлак доғларида агглютининларни аниқлаш.

Ешмуратов Балтабай Алланиязович кафедра доценти. 1979-1991 йилларда ушбу институтнинг суд тиббиёти кафедрасида стажер-тадқиқотчи, аспирант, ассистент, катта ўқитувчи бўлган. Профессор **Ж.Ж.Жалолов** раҳбарлигида **Б.А.Ешмуратов** 1987 йилда “Қонталашларнинг ҳаётлигини

аниқлаш мақсадида гемин моддасини ярим микдорий ва микдорий текшириш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. У 5 ўқув-услубий қўлланмалар, 100 дан ортиқ илмий мақола ва тезислар муаллифи.



Қонталашнинг ҳаётлигини ультратовуш усулида ташхислаш.

Кафедра катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди **Лочинов Фарҳод Назарович** - 1992-1999 йилларда ушбу институтнинг суд тиббиёти кафедраси ассистенти, аспиранти бўлган. 2005 йилда “Қон доғларида агглютининларни аниқлашнинг янги имкониятлари” мавзусида номзодлик диссер-


тациясини ҳимоя қилган. Бу бўйича 30 дан ортиқ мақола ва 2 та рационализаторлик таклифини амалиётга тадбиқ қилинди. Бу эса, қон доғларида агглютининларни замонавий усуллар билан аниқлаш имкониятини берди.



Қон доғида агглютининларни аниқлаш.

Бугунги кунда кафедра мудир, тиббиёт фанлари номзоди, доцент **Баҳриев Иброҳим Исомадинович**. 1992-1999 йилларда ушбу институтнинг суд тиббиёти кафедраси аспиранти, ассистенти бўлган. 1997 йилда “Суд тиббиётида мурдаларнинг айрим бўшлиқ суюқликларида гаптоглобинни аниқлаш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бу бўйича 100 дан ортиқ мақола ва 10 та ра-

ционализаторлик таклифини ва монография ёзиб амалиётга тадбиқ қилинди. Бу эса, мурда бўшлиқларидан олинган суюқликларда гаптоглобинни аниқлашнинг замонавий усуллар билан аниқлаш имкониятини берди. Қон, сперма ва сочларни текшириш бўйича талабалар учун услубий қўлланмалар ёзди ва ҳозир ашёвий далиллар бўйича докторлик диссертациясини яқунлади.



Тана бўшлиғидаги суюқликларда гаптоглобинни аниқлаш

Кафедра изланувчиси, тиббиёт фанлари номзоди **Ахмедов тўлқин Жўрақулович** - 2008 йилда “Қонда антиген A_1 ва A_2 аниқлашнинг янги имкониятлари бўйича кандидатлик диссертациясини ёқлади ва шу иш бўйича 20 дан ортиқ ва 4 та рационализаторлик таклифини берди ва суд тиббий лабораторияларида қон гуруҳларини аниқлаш янги имкониятини яратди.

Кафедра доценти – **Ҳасанова Мукаррама Алмардановна**. 2012 йилда “АВО системаси бўйича қон гу-



руҳларини аниқлашда узум данакларининг фито-агглютининлари ёрдамида аниқлашнинг янги имкониятлари” бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади ва шу иш бўйича 30 дан ортиқ мақола ва монография ёзди. Бу эса Ўзбекистонда ўсувчи узумнинг янги навлари данакларидан фойдаланиб олинган фитоагглютининлар билан қон гуруҳларини АВО системасида аниқлашнинг янги имкониятларини берди.



Қон гуруҳларини узум данакларидаги фитоагглютининлар ёрдамида аниқлаш

Кафедра изланувчиси, тиббиёт фанлари номзоди, – Айдарқулов Абдуманнап Шагатаевич. 1993 йилда “Суд тиббиёти амалиётида қон доғидаги оқсилнинг турлари мансублигини иммунофелометрик ва иммунодиффузион усуллар билан аниқлаш” бўйича кандидатлик диссертациясини ёқлади ва шу иш бўйича 30 дан ортиқ мақола ва 3

та рационализаторлик таклифини берди. Бу билан қилинган илмий иш амалиётда қон турини аниқлашнинг янги усуллар билан аниқлаш имкониятини берди ва ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасида ва Қозоғистон суд тиббий экспертиза биология бўлимларида қўлланилмоқда.



Оқсил турларини радиал иммунодиффузия усули билан аниқлаш.

Шундай қилиб, Республикада суд тиббиёт фани ва суд тиббий экспертиза амалиёти ривожланишининг тарихида юқорида зикр этилган профессор Ж.Ж.Жалолов ва унинг раҳбарлигида шогирдлари томонидан суд тиббий биология соҳаси бўйича ба- жарилган барча илмий ишлари ҳозирги даврга қадар ўзининг илмий аҳамиятини ва долзаблигини кўрсатмоқда. Жумладан профессор Ж.Ж.Жалоловнинг ашёвий далилларни текширишнинг янги усуллари ҳозирги пайтда Республикаимизнинг суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази ва унинг филиалларида қўлланилмоқда. Бу эса жиноятчиликни олдини олиш ва ўз вақтида жиноятни очиб бериш имкониятларини бермоқда.

Адабиётлар:

1. Ж.Ж.Жалолов. Суд тиббиёти. - Тошкент, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1996.
2. Искандаров А.И., Д.Р.Қўлдошев. Суд тиббиёти. Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, «MERIYUS» ХМНК, 2009.
3. Ўзбекистонда суд тиббий экспертиза хизматининг шаклланиш тарихи ҳолати ва ривожланиш йўналишлари. - Тошкент, “Akademnashr”, 2016.
4. Гиёсов З.А. Суд тиббиёти. Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, Global Books нашриёти, 2018.
5. Индиаминов С.И. Материалы к истории развития судебной медицины. Тошкент - 2017.

СОДЕРЖАНИЕ

ОРГАНИЗАЦИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ СЛУЖБЫ
(СУД-ТИББИЙ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ)

Бахриев И.И., Ешмуратов Б.А. ТИББИЕТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ, ПРОФЕССОР Ж.Ж.ЖАЛОЛОВНИНГ ХАЁТИ, ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ҲАКИДА ҚИСҚАЧА ОЧЕРК	4
Искандаров А.И. ИСТОРИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ СЛУЖБЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАНЕ.....	6
Бекназаров Ш.Й., Ешмуратов Б.А., Бекназаров Ш.Ж. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД БИОЛОГИК ТЕКШИРУВЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ СУД ТИББИЁТИ ВА ТИББИЁТ ҲУҚУҚИ КАФЕДРАСИ ОЛИМЛАРИНИНГ РОЛИ	9
Индиаминов С.И., Якубов Х.Х., Носиров Т.К. НАЧАЛЬНЫЕ ЭТАПЫ ПРИМЕНЕНИЯ МЕДИЦИНСКИХ ЗНАНИЙ В СУДЕБНО-СЛЕДСТВЕННЫХ ПРОЦЕССАХ.....	14
Айдаркулов А.Ш., Нургалиева Ж.Ж. ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ В СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКУЮ ПРАКТИКУ МЕТОДА «ВИРТУАЛЬНОЙ АУТОПСИИ»	17
Попов В.Л. ОБ ИЗУЧЕНИИ ПОСЛЕДСТВИЙ БИОЛОГИЧЕСКОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В АСПЕКТЕ СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ	20
Хасанова М.А. ЛЕКТИНЫ С ГРУППОСПЕЦИФИЧЕСКИМИ СВОЙСТВАМИ К СИСТЕМЕ АВО	22

СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ ТАНАТОЛОГИЯ
(СУД-ТИББИЙ ТАНАТОЛОГИЯ)

Индиаминов С.И., Умаров А.С. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРОЦЕССА ЭКСПЕРТИЗЫ ТРУПОВ ЛИЦ, ПОГИБШИХ ОТ СОЧЕТАННОЙ ТРАВМЫ ПОСЛЕ ПРОВЕДЕНИЯ ДИАГНОСТИЧЕСКИХ И ЛЕЧЕБНЫХ ВМЕШАТЕЛЬСТВ.....	27
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ВОЗМОЖНОСТИ УСТАНОВЛЕНИЯ ДАВНОСТИ СМЕРТИ ПО ДИНАМИКЕ ПОСМЕРТНЫХ АУТОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В НЕРВНО-СОСУДИСТЫХ СТРУКТУРАХ ГОЛОВНОГО МОЗГА ПОСЛЕ МАССИВНОЙ КРОВОПОТЕРИ.....	33
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э., Кушбаков А.М. ЗНАЧЕНИЕ ДИНАМИКИ РАЗВИТИЯ ТРУПНЫХ ЯВЛЕНИЙ ДЛЯ УСТАНОВЛЕНИЯ ДАВНОСТИ НАСТУПЛЕНИЕ СМЕРТИ.....	40
Бойманов Ф.Х., Кушбаков А.М., Расулова М.Р. ОЦЕНКА МОРФОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ КОЛОТО-РЕЗАННЫХ РАН НАНЕСЕННЫХ НАЦИОНАЛЬНЫМИ НОЖАМИ.....	48
Жуманов З.Э., Индиаминов С.И. ДИНАМИКА АУТОЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ В ТКАНЕВЫХ И СОСУДИСТЫХ СТРУКТУРАХ МИОКАРДА ПОСЛЕ СОСТОЯНИЙ МЕХАНИЧЕСКОЙ АСФИКСИИ, В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ТЕМПЕРАТУРНЫХ УСЛОВИЙ РЕГИОНОВ УЗБЕКИСТАНА.....	50
Бойманов Ф.Х., Индиаминов С.И., Хайдаров Д.Т. ОСОБЕННОСТИ КОЛОТО-РЕЗАННЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ НЕБИОЛОГИЧЕСКИХ ТКАНЕЙ, ПРИЧИНЕННЫХ НАЦИОНАЛЬНЫМИ УЗБЕКСКИМИ НОЖАМИ	58
Джафаров Ф.М., Ешмуратов Б.А., Султанова Н.Д. ОПРЕДЕЛЕНИЕ ДОПОЛНИТЕЛЬНЫХ ПРИЗНАКОВ ВХОДНОЙ ОГНЕСТРЕЛЬНОЙ ПУЛЕВОЙ РАНЫ ПРИ ВЫСТРЕЛЕ С БЛИЗКОЙ И НЕБЛИЗКОЙ ДИСТАНЦИИ ..	66
Islamov Sh.E., Maxmatmuradova N.N., Normaxmatov I.Z. KALLA-MIYA JARONATI MUDDATINI ANIQLASH XUSUSIYATLARI.....	68
Ишанджанова С.Х., Азизова Ф.Х., Отажанова А.Н., Шигакова Л.А. ГИПАТАЛАМО-ГИПОФИЗАРНО, ТИРЕОИДНАЯ И ИММУННАЯ СИСТЕМА, И ИХ ВЗАИМОСВЯЗЬ.....	72